



[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a19](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a19)

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ФУНКЦИОНАЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Турдиев Эралижон Мухторович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
мустақил тадқиқотчisi

Аннотация: Ушбу мақолада саноат корхоналарида активларни бошқаришнинг тамойиллари ва функционал элементлари ёритилган. Хусусан, саноат корхонанинг умумий қоидаларига асосланаб, активларни бошқариши амалга ошириш бўйича умумий бошқарув ғоялари ва ўёналишларини бирлаштириш тушунтирилган. Замонавий шароитда молиявий ва рақамли активлар бозорлари капиталлашувининг жадал ўсиши ушбу соҳаларда активларни бошқаришда эршилган самараадорликка боғлиқлиги билан бир қаторда, бугунги кунда инфратузилма активларини бошқариши ҳам долзарб эканлигини таъкидлаб ўтилган.

Калим сўзлар: саноат корхоналари, активларни бошқариш, активлар тамойиллари, активларнинг функционал элементлари, халқаро стандартлаштириш.

ПРИНЦИПЫ И ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ЭЛЕМЕНТЫ УПРАВЛЕНИЯ АКТИВАМИ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Турдиев Эралиджон Мухторович -
Ташкентский государственный экономический
университет, независимый исследователь

Аннотация. В данной статье рассматриваются принципы и функциональные элементы управления активами на промышленных предприятиях. В частности, на основе общих правил промышленного предприятия объясняется интеграция общих управленческих идей и направлений осуществления управления активами. Отмечено, что быстрый рост капитализации рынков финансовых и цифровых активов в современных условиях зависит от эффективности, достигаемой в управлении активами в этих сферах, и управление инфраструктурными активами также актуально в нынешнее время.

Ключевые слова: промышленные предприятия, управление активами, принципы актива, функциональные элементы активов, международная стандартизация.

THE PRINCIPLES AND FUNCTIONAL ELEMENTS OF ASSET MANAGEMENT IN INDUSTRIAL ENTERPRISES

Turdiev Eralijon Mukhtorovich -
Tashkent State University of Economics,
independent researcher

Annotation. This article discusses the principles and functional elements of asset management in industrial enterprises. In particular, on the basis of the general rules of an industrial enterprise, the integration of general management ideas and directions for the implementation of asset management is explained. It is noted that the rapid growth of capitalization of financial and digital asset markets in modern conditions depends on the efficiency achieved in asset management in these areas, and the management of infrastructure assets is also relevant at the present time.

Key words: industrial enterprises, asset management, asset principles, asset functional elements, international standardization.

Кириш. Ҳозирги босқичда кўплаб саноат корхоналарида активларни бошқариш, унинг ўёналишлари ва шаклларини олдиндан кўриш, корхона ривожланишининг умумий мақсадларига ва ташқи молиявий шароитларнинг ўзгаришига мослашиш учун илмий методологияяга асосланган узоқ муддатли онгли равишда бошқариш зарур ҳисобланади. Макроиқтисодий табиатда, жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш тизимида, молия бозорида рўй берадиган жиддий ўзгаришлар шароитида унинг умумий ривожланиш мақсадларини амалга оширишга бўйсунадиган корхонанинг молиявий фаолиятини узоқ муддатли бошқаришнинг

самарали восита сифатида қаралади. Хусусан, бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегиясида саноат тармоғи тараққиёт тенденцияси бўйича мақсад белгиланган бўлиб, унда тармоқда йўқотишлиарни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самараадорлигини ошириш белгилаб олинган[1]. Шунингдек, саноат тармоқларида йўқотишлиарни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самараадорлигини ошириш бўйича «Яшил» иқтисодиётга ўтиш дастури ҳам ишлаб чиқиши бўйича мақсадли индикаторлар белгилан олинган. Ҳар бир саноат корхоналар субъектлари ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини

ташкил қилишлари балансда пул эквивалентида акс эттириладиган моддий бумлашган, молиявий ва номоддий активларга эҳтиёж сезиб, уларни самарали бошқариш бизнес мувакқациятининг муҳим омили ҳисобланади. Активларнинг ҳажми, таркиби ва тузилиши пировард молиявий натижа ҳисобланган фойданинг миқдорига таъсир этади. Активларнинг тузилмаси, уларга бўлган эҳтиёж операцион фаолият хусусиятлари бўйича иқтисодий фаолият кўлами, табиати ва сифимиға, ишлаб чиқаришни диверсификациялашув даражасига, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятларига бевосита боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Активларни бошқариш кенг қамровли тушунча ҳисобланиб, унинг обьектларига кўра моддий (бинолар ёки жиҳозлар каби жисмоний обьектлар), номоддий активларга (инсон капитали, интеллектуал мулк, гудвил) ва молиявий активларни бошқариш каби умумий туркумларга ажратилиши юқоридаги параграфимизда кўриб ўтган эдик. Активларни бошқариш - бу активларни юқори иқтисодий самара олиш мақсадида (барча харажатлар, рисклар ва самарадорлик атрибуларини ўз ичига олган ҳолда) ишлаб чиқиш, ишлатиш, сақлаш, янгилаш ва тасаррuf этишнинг тизимли жараёни иерархиясини ифодалаши эътироф этилган[2]. Аввалом бор тадқиқотларимиз доирасида активларни ўзига тўхталиб ўтмоқчимиз, яъни олимларимизнинг активларга бўлган фикрларини баён этдик, М.В.Беспаловнинг фикрига кўра, активлар - бу муваффақиятли иқтисодий фаолият туфайли корхона томонидан бошқариш учун олинган маблағлар. Бошқача айтганда, бу ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг мулкий активлари йиғиндисидир. Н.И.Морозконинг тадқиқотларида активлар - бу моддий, молиявий ва номоддий активлардан ташкил топган корхона мулки. Молиявий активларга пул маблағлари, дебиторлик қарзлари, молиявий қўйилмалар, қимматли қоғозлар, кассадаги пул маблағлари ва бошқалар киради. Моддий бойликлар - саноат, турар-жой ва маъмурий бинолар, ишлаб чиқариш ускуналари, йер ва ёқилғи, хом ашё ва материаллар захиралари. Номоддий активлар - турли интеллектуал мулк обьектлари (патент, муаллифлик хуқуқи, товар белгилари ва бошқалар) ва корхонанинг инсон ресурсларидан фойдаланиш хуқуқлари деб айтилиб ўтилган[3].

«Активлар менежменти» атамасининг энг кенг эътироф этиладиган соҳаларидан бири булиб, АҚШлик иқтисодчи Г.Марковиц томонидан илк тизимлаштирилган портфел менежменти[4], инвестиция фондларини ва алоҳида мижозлар ҳисоб рақамларидаги молиявий активларни бошқарадиган молиявий хизматлар индустрияси сектори назарда тутилган. Иқтисодчи

Е.И.Шохинанинг фикрича корхона активларини бошқариш, яъни унинг мулкий қийматликлари таркиби, тузилиши ва маблағлар манбалари, уларнинг динамикасини баҳолаш ҳамда уларни оптималлаштириш учун зарур йўналишлар тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради. Активлар таркиби, биринчи навбатда, корхона мулкининг ҳаракатчанлик даражасини тавсифлайди, шунингдек, қайси элементлар ушбу ҳаракатчанликни таъминлашини, уни камайтириш ёки оширишни аниқлаш имконини беради[5] деб тавсифлаган. Европа иқтисодчи олимлари Alfred Rappaport ва Joel Stern биринчилардан бўлиб, Миллер ва Модильянининг қийматни ҳисоблаш формулаларидан амалиётда фойдаланиб, компьютер жиҳозлари бозорида акцияларнинг бозор баҳосини ҳисоблашга муваффақ бўлганлар. Р.И.Яушевнинг илмий изланишлари интеграцион корпоратив тузилмалар ва таъсисчи капиталда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш муаммоларига бағишлиланган. М.Б.Хамидулин фонд бозорини ривожланиши, акционерлик жамиятларида кузатув кенгашининг роли ва аҳамияти масалалари устида фикр юритади. Узвий равища мазкур масалалар Г.К.Саидова, Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Беркинов каби олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган[6].

Активларни оптимал бошқаришнинг йўналишлари умумий тамойилларга асосланиб, куйидагилар назарда тутилади:

1. Акциядорлик жамиятига тегишли барча активлар унинг стратегик ривожланиш дастурiga мувофиқ шакллантирилиши лозим.

2. Активлар акциядорлик жамиятининг таркибий тузилмасига мувофиқ ва такрор ишлаб чиқариш узлуксиз занжирини таъминлаши тарзда шакллантирилиши лозим.

3. Активларнинг шакллантиришга нисбатан пухта ўйланган ҳолдаги ёндашув. Активлардан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш максимал рентабелликни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда шакллантиришни талаб қиласди.

4. Активларни функционал вазифалари бўйича оптимал таркибини шакллантириш. Ушбу тамойил молиявий хизмат тизими учун маълум мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин.

5. Ўзаро алмашиниши имконияти. Активларни ўзаро алмаштиришни ҳисобга олган ҳолда активлар тўпламини шакллантириш керак. Ушбу тамойилда айланмадан ташқари ва айланма активлар таркибий алмаштириш имкониятлари ва уларнинг ўзаро бир бири билан алмаштириш орқали активларни оптималлаштириш имконияти назарда тутилади.

2014 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (The International Organization for Standardization) активлар ва уларни бошқаришга

оид махсус бошқарув тизими стандартларини эълон қилган[7]. ISO 55000 серия рақамли стандартда активлар ва уларни бошқаришга тизимли ёндашувни жорий қилиш, техник ва молиявий қўллаб-куватлаш ҳамда такомиллаштириш бўйича терминологик аппарат, талаблар ва кўрсатмалар тизимини ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибасига асосан ишлаб чиқариш занжирдаги узилишларни минималлаштиришга асосланган техник хизмат кўрсатиш жараёнлари (RCM-жараён Reliability Centered Maintenance) самарадорлигини баҳолаш тизимидан кенг фойдаланилишини кузатиш мумкин. OEE (Overall Equipment Effectiveness) усулига асосланган самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш тизими параллел равишда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларининг назорат тизими ҳам ҳисобланади. Россия федерациясида ISO 55000: 2014 Халқаро стандарти билан уйғулашган ҳолда активларни бошқаришнинг миллий стандартида активларни бошқаришнинг фойдали томонлари сифатида қўйидагилрасмда келтириб ўтилган[8].

Йирик компаниялари амалиётидан узоқ муддатли активларни бошқаришнинг бир қатор замонавий турлари мавжуд, улар: Enterprise Asset Management (EAM) - корхоналарнинг стратегик режасини бажаришга хизмат қилувчи узоқ муддатли активлар ва уларнинг иш режимини, ҳаётйициклиги мобайнидаги сарф харажатларни, рискларни оптимал бошқаришга йўналтирилган тизимли ва координациялаштирилган фаолият тури ҳисобланади. Ушбу тизим қўйидаги жараёнларни мувофиқлаштирилган ҳолда бошқариш имкониятини яратади: (а) техник хизмат ва таъмирлаш; (б) моддий-техник таъминот; (в) омбордаги захираларни бошқариш; (г)

техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва моддий техник таъминот билан боғлиқ меҳнат ва молиявий ресурсларни сифат менежменти тизими.

Нисбатан йирик масштабни ташкил қилувчи замонавий тадбирлик субъектлари учун ахборот таъминоти бугунги кунда долзарб вазифа ҳисобланиб, узоқ муддатли активлар билан боғлиқ ахборотларни тўплаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш чун ахборот шаклига трансформаллаш масаласи активлар менежментида муҳим ҳисобланади. Махсулотларнинг ҳаётйициклида содир бўладиган жараёнларнинг ахборот интеграциясини ҳал қилишнинг муҳим замонавий усулларидан бири CALS деб номланган ахборот технологиялари ҳисобланади. CALS технологияларидан маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш занжирни жараённинг иштирокчиларига оид ахборотларни тўплаш имкониятини яратади.

Тадқиқот методологияси. Саноат корхоналарида активларни бошқариш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тарифларини қиёсий солишириш, маълумотларни ўрганиш, таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлили ва натижалар. Тадқиқотимиз давомида активларни бошқаришда ички ва ташқи омиллар таъсирида бошқарувнинг функционал элементлари кенг спектрига асосланган қарорлар қабул қилишнинг призмасини ўзида мужассамлаштиради деган фикрга тўхтадик. Ушбу жараён аввало активларни бошқариш бўйича стратегик мақсадни белгилашга ва унга таъсири этувчи ички ва ташқи омилларни тизимлаштирилишига боғлиқдир (1-расм).

Активлар менежментини самарави ташкил қилиш омиллари

Стратегик ривожланиш мақсади ва ушбу мақсад асосида активлар сифат ва микдор параметрларига бўлган талаб

Тадбиркорлик субъектининг мулкий, тармоқ ва операцион фаолияти

Тадбиркорлик субъекти бизнес муҳити молиявий жиҳатлари ва меъёрий талаблар

Тадбиркорлик субъекти томонидан ишлаб чиқариладиган товарларга (хизматлар) бўлган эҳтиёж, манфаатдор томонлар


1-расм. Активлар менежментини самарави ташкил қилиш омилларининг чизмаси
Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кўйидаги расмда активлар менежментини самарави ташкил қилиш омилларининг чизмаси келтирилган бўлиб, унда таъсири этувчи омиллар активларни стратегик мақсадларни рўёбга

чиқариш контекстидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш, активларни менежментини динамик ривожланиш тенденциялари негизида такомиллаштириш жараённида ҳисобга олиниши

керак. Шунингдек, активлар бутун ҳаётий цикли айланиши давомида ушбу мувозанатни топиш ва уни тегишли ечимларга айлантириш муҳим ҳисобланади. Бунда ҳар бир корхона ривожланишининг стратегик йўналишдаги мақсадлари мавжуд молиявий-иқтисодий салоҳиятга асосланган ҳолдаги тактик вазифалар призмаси

уйғунлиги асосида рўёбга чиқарилади. Шунинг учун ҳам умумий бошқарув тизимининг элементи сифатида активларни бошқариш қисқа муддатли тактик вазифаларни стратегик мақсадларни уйгуғлигига асосланган бошқарув призмасида барқарор ривожланиш тенденциясини таъминаши мумкин (2-расм).



2-расм. Корхона активларини бошқаришни функционал модели

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур расмга асосан, асосий йўналишларидан бири самарадорлик кўрсаткичлари воситасида умумий бошқарув тизимига активлар менежментининг таъсири бўйича ички назорат ва аудит тизими амалга оширилади. Самарадорлик кўрсаткичларини туркумланиши активларнинг 2 йирик туркумига асосланади. Булар: узоқ муддатли активлар ва жорий активлар. Ҳар иккала активлар тақрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда ўзига хос функционал ролни бажарса-да, уларга бўлган реал операцион эҳтиёж асосида улар таркибий оптималлаштирилиб борилади. Шубҳасиз, ушбу функционал модел асосида активларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш ретроспектив маълумотлар базасида жорий ҳолатда мувозанатли ривожланишга активлар таъсири бўйича қарорлар, ўрнатилган мақсадлар, қиймат мезонлари ва вақт горизонтларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши жоиз ҳисобланади.

Бунда асосий эътибор активлардан самарави фойдаланиш орқали рентабелликни ошириш, узоқ муддатли активлар эксплуатацияси билан боғлиқ трансакцион харажатларни қисқартириш эвазига асосий фаолият фойдасини максималлаштириш имкониятлари яратилади. Одатда янги сотиб олинган ва ўрнатилган асосий воситаларнинг унумдорлиги (асосан фонд қайтими ва фонд сифими кўрсаткичлари орқали аниқланади) юқори даражани ташкил қиласи. Бу узоқ муддатли активларнинг ҳаётий цикли-

нинг дастлабки даврида уларнинг максимал самарадорлигини таъминланишининг табий дараҷасига асосланади. Жорий активлар масаласида эса самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари меҳнат предметлари сифатида молиявий ва операцион цикли имконият даражасида қисқартириш орқали уларнинг айланувчанлигини ошириш ва жорий активлар рентабеллигини ошириш имкониятлари яратилади. Шунингдек, жорий активларни самарали бошқариш орқали уларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ трансакцион харажатларни қисқартириш орқали фойда нормасини ошириш имкониятлари яратилади. Ушбу узоқ муддатли ва жорий активларни самарали бошқариш орқали соғ молиявий натижага ҳисобланган фойдани максималлаштириш имкониятлари яратилиши мумкин.

Айтиш жоизки, замонавий шароитлардаги ахборот маконинг ривожланиши саноат корхоналарида активларни бошқарда ИТ технологиялар, дастурий маҳсулотлар, рақамли маконга асосланган ва ўзига хос қийматга эга активлар менежментининг маҳсус обьекти сифатида ривожланиб бормоқда. Хусусан, бундай активларга ҳар бир тадбиркорлик субъектлари операцион фаолиятини бошқариш учун фойдаланиладиган амалий дастурий пакетлар киритилса, блокчейн технологияларига асосланган криптовалюталар рақамли молиявий активларнинг асосий инструменти сифатида ҳозирги шароитда шиддат билан ривожланиб бормоқда.

Активларни бошқаришнинг фойдали жиҳатлари

№	Фойдали жиҳат номи	Мақсадли кўрсаткичлар	Самарадорлик
1.	Молиявий натижаларни сифат жиҳатдан яхшилаш	Юқори даражадаги рентабеллик, харажатларни иқтисод қилиш	Молиявий самарадорликнинг юксалиши
2.	Самарави инвестицион қарорларни қабул қилиш	Ишлаб чиқариш унумдорлигини ортиши, асосий фондларни янгиланиши, айланма активлар айланувчанлигини ошириш	Инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг юксалиши
3.	Рискларни бошқариш	Молиявий йўқотишларни қисқартириш, атроф муҳитга негатив таъсирини минималлаштириш	Риск-менежмент тизими самарадорлиги
4.	Товар ва хизматлар кўрсатишни яхшиланиши	Товарлар (хизматлар) сифатини яхшилаш товарлар реализациясини тезлаштириш, ишбилармон фаоликни ошириш	Операцион фаолият самарадорлигини ортиши
5.	Ошкора ижтимоий масъулият	Ифлос чиқиндиларни ташлашни қисқартириш, ресурсларни иқтисод қилиш, экологик тоза ишлаб чиқарни шакллантириш	Ижтимоий масъулият ва самарадорлик кўрсаткичларини таъминланиши
6.	Ўсиб борувчи репутация	Истемолчилар талаб ва хоҳишлигини қондириш, контрагентлар олдидаги ишонч ва обрўнинг ортиши	Корхона обрўйи ва товарлар брендини ортиши
7.	Барқарор ривожланиш тенденцияси	Ишбилармон фаолликни ошириш, интенсив ривожланиш имкониятлари	Ишбилармон фаоллик индексининг ортиши
8.	Самарадорлик ва натижавийликни яхшиланиши	Активлар унумдорлигини, рентабеллиги, айланувчанлигини ортиши	Активлардан интенсив фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш

Манба: Активларни бошқариш бўйича Россия Федерацияси миллий стадартлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвалдан кўришимиз мумкинки, биргина 2022 йилда жаҳонда капиталлашув даражаси бўйича энг яхши активлар таркибида IT технологиялар ва рақамли бизнес соҳасида фаолият юритувчи компаниялар етакчилик қўлмоқда (Apple, Microsoft, Google). Ушбу активларнинг

сифат тавсифи бозорнинг капиталлашуви даражаси, инвесторлар томонидан ушбу активларни сотиб олишга бўлган иштиёқларнинг юқорилиги яъни инвестицион жозибадорлигининг юқори кўрсаткичига боғлиқdir.

2-жадвал

Жаҳоннинг капиталлашув даражаси бўйича энг яхши активлари

№	Компаниялар	Бозор капиталлашуви	Қиймати	Жорий нарх (2022йил ярим йиллик)
1.	Apple	11910 т. \$	151,21 \$	1,68 %
2.	Saudi aramco	2358 т. \$	10,72 \$	-2,07 %
3.	Microsoft	2053 т. \$	274.58 \$	0,79 %
4.	Google	1548 т. \$	2,355 \$	3,16 %

Манба: Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Табий равишда инвестицион жозибадорлик активлар ва пассивларни мувозанатлашган бошқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари тизими орқали баҳоланади.

Замонавий шароитларда молиявий ва рақамли активлар бозорини капиталлашувнинг тез ўсиши активлар менежментида ушбу соҳалар бўйича эришилган самарадорликка боғлиқ бўлса-да, инфратузилма активларини бошқариш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Чунки, дастурий таъминот активларини бошқариш ҳам инфратузилма активларини бошқаришнинг бир тури ҳисобланади. Шунингдек, аксарият йирик ва стратегик компаниялар, айниқса реал секторда фаолият юритувчи компанияларнинг инфра-

тузилма тармоғи деярли қуриб битказилган ва уларни иқтисодий жиҳатдан самарави замонавий механизмларига эҳтиёж сезилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларни умумлаштириш натижасида таъкидлай жоизки, активлар активларни бошқариш усуслари ва тамойилларини ҳамда уларни бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш муҳим ҳисобланади. Бунда,

I. Активлар менежментининг бош мақсади-активлар қийматини юксалтириш орқали акциядорлик жамиятлари бизнеси бозор қийматини максималлаштирилади.

II. Юқоридаги бошқаришнининг мақсад ва вазифаларига асосланган ҳолда активлар сифат ва миқдор жиҳатдан оптималлаштирилади.

III. Активлар таркибини оптимал бошқаришнинг юқоридаги йўналишлари бошқаришнинг умумий тамойилларига асосланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Саноат корхоналарида активларни бошқариш тизимининг таркибий элементи сифатида активлар менежменти маълум тамойиллар ва

функционал элементларга асосланади. Активларни бошқариш тамойиллари молиявий менежментнинг умумий тамойиллари базасида тизимлаштирилиб, умумий бошқарув гояси ва идеологиясини ёки стратегик мақсадларни рўёбга чиқариш йўналишлари билан уйғунлаштирилади. Айланма активлар айланиш тезлиги корхоналар сотиш сиёсати самарадорлиги ва рентабеллигига билвосита ва бевосита таъсир этиш имкониятларига эгадир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
2. https://en.wikipedia.org/wiki/Asset_management.
3. file:///C:/Users/Hp/Downloads/upravlenie-aktivami-promyshlennogo-predpriyatiya-analiz-ego-effektivnosti%20(1).pdf
4. Markowitz H.M. Portfolio selection. New Haven, Conn.: Yale Univ. Press, 1959. 344 p.
5. Шохина Е. И. Корпоративные финансы: учебник / коллектив авторов. – М.: КноРус, 2016. - 318 с.
6. <http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Khonkeldiyeva.pdf>
7. "ISO 55000:2014 - Asset management -- Overview, principles, and Terminology". International Organization for Standardization. Retrieved August 21, 2019.
8. "Управление Активами" Национальная система стандартов: Общее представление, принципы и терминология. ГОСТ Р 55.0.01—2014/ISO 55000:2014. – М.: Стандартинформ, 2015- с.2 (18 с.)
9. Алексеева А.И. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. М.:КноРус, 2016. 382 с.
10. Беспалов М.В., Абдукаримов И.Д. Финансово-экономический анализ хозяйственной деятельности коммерческих организаций. – М.: Инфра-М, 2016. 336 с.
11. Ковалев В.В. Финансовый менеджмент. Теория и практика. – М.: Проспект, 2016. 439 с.
12. Морозко Н.И. Финансовый менеджмент. – М.: Инфра-М, 2016. 544 с.
13. Музалёв С.В. Комплексный экономический анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. – М.: Инфра-М, 2015. 349 с.



АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ИШИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Авлоқулов Анвар Зиядуллаевич -
ТМИ профессори, и.ф.д.

Аннотация. Мақолада аудиторлик ташкилоти иши сифатининг моҳияти ва аҳамияти тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: аудит, аудиторлик ташкилоти, аудит иши сифати, аудиторлик риски, ички назорат тизими, аудитнинг умумий режаси, аудит дастури.

НАПРАВЛЕНИЕ КОНТРОЛЯ РАБОТЫ АУДИТОРСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Авлоқулов Анвар Зиядуллаевич -
д.э.н., профессор ТФИ

Аннотация. В статье исследовано сущность и значение качества работы аудиторской организации. В результате исследования были разработаны предложения по повышению качества услуг, предоставляемых аудиторскими организациями.

Ключевые слова: аудит, аудиторская организация, качество аудиторской работы, аудиторский риск, система внутреннего контроля, общий план аудита, программа аудита.

DIRECTION OF CONTROL OF THE WORK OF THE AUDITING ORGANIZATION

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich -
Professor, DSc TFI

Abstract. In the article researched the essence and significance of the quality of the work of an audit organization. As a result of the study, proposals were developed to improve the quality of services provided by audit organizations.

Keywords: audit, audit organization, quality of audit work, audit risk, internal control system, general audit plan, audit program.